




# Ishonch

*Insonga naf  
keltirish —  
oliy baxt*

2008-yil 14 avgust  
№ 96 (2509)  
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta \* E-mail: ishonch-doverie@mail.ru \* Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan




**Мароқли  
таътил —  
йилларга  
татир**

3



**Жинслараро  
муносабат  
(мувозанат)**

4



**Спортчиларимиз  
кейинги босқичда**

Мамлакатимиз боксчилари Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда.

14

## Ракурс

### Кенг имкониятлар ЭШИГИ

Бахтлимисиз деган саволга ҳар доим ҳа деб жавоб қайтараман. Бахтим шундаки, мен озод ва обод ватанда вояга етдим. Ота-онам ўзлари тарбияланган муҳит ҳақида ҳикоя қилишаркан, бундай имкониятлар бизда йўқ эди, сен унга сазовор экансан, тўла фойдаланишинг шарт дейишади.

Дарҳақиқат, шундай. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён барча жабҳада янгиланиш рўй бермоқда. Мактабларимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Бир неча йил аввал спорт комплекси фақат йирик шаҳарларда мавжуд бўлиб, улардан саноқли ёшларгина фойдаланиши мумкин эди. Эндиликда барча туман ва қишлоқларда спорт заллари, теннис кортлари, бассейнлар бор. Улар минглаб ўғил-қизларни бирлаштирган. Муҳими, уларнинг қалбида чемпион бўлман, юртим довруғига довруқ қўшман деган буюк истак шаклланган.

Жисмонан соғлом ёшларимиз юксак маънавият сари интилмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг миллий санъатимизни юксалтириш юзасидан қабул қилаётган фармонлари хусусида тўхталиб ўтишни истардим. Шу йил 7 январ куни «Болалар мусиқа ва бадий санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014-йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чоралари ҳақида»ги фармон қабул қилинди.

«Ўзбекистон давлат бадий санъат институтининг Нукус филиалини ташкил қилиш бўйича чоралар ҳақида»ги фармон бизни жуда хурсанд қилди. Қорақалпоқ маданияти ва санъати ўзига хос ҳамда бениҳоя мафтункор. Бутун дунёда унга қизиқиш катта. Эндиликда қорақалпоғистонлик ва қорақалпоқ санъатига иштиёқманд барча ёшлар ўз истеъдодларини кенгроқ юзага чиқариш, замонавий театр ва кино актёрлари, телевидение ва радио бошловчилари, бир сўз билан айтганда етук мутахассис, санъатшунос бўлиб етишиш имконига эгалар.

Сарбиназ АННАКУЛОВА,  
«Ниҳол» мукофоти совриндори,  
Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри артисти



Гулзор ичра кўриб узилган гулни,  
Қўлга тутди аста авайлаб дилдор.  
Кошки рад этилган ўксик кўнгилни,  
Гул каби ардоқлай олсак беғубор...

Икром ХАСАНОВ олган сурат

## Ёруғ, шинам, замонавий

**Юрт истиклоли туфайли ёшларимизга кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг замонавий, мухташам ўқув даргоҳлари бунёд этилаётгани фикримизнинг исботидир.**

Қишлоқ мактабида таҳсил олганман. Мактабимиз кўзимизга чўгдек кўринади. Негаки, уни оталаримиз ҳашар йўли билан барпо этишганди. Шундоқ ёнгинамизда Тепалик қишлоғи бор. У ернинг болалари ҳам бизникидек мактабда ўқишарди.

Интилим боис институтга ўқишга кирдим. Таҳсил, талабалик ташвишлари туфайли она юртим Қўшрабоддаги Элегант қишлоғидан анча олислашиб қолгандай эдим. Яқинда қишлоқда бўлиб, мактабимизнинг мухташам биносини кўриб, ҳайратландим. Январ ойида пойдевор кўйишга тараддуд кўрилайтган эди. Курувчилар 6 ойда ишни битирганига қойил. Курувчи йигит Умар Ҳамроев бино ичкарасига бошлади. Хоналар кенг, ёруғ, шинам. Мактабда пардозлаш ишлари кетаётган экан.

— Тепаликдаги мактабни ҳам биз қурдик, — деди Умар Ҳамроев гурур билан. — Ҳозир эски мактаблардан асар ҳам қолмади.

Дарҳақиқат, ҳукуматимиз ёш авлод истiqболи учун қаттиқ қайғурапти. Ўз навбатида биз ҳам эл қорига ярайдиган муносиб фарзанд бўлиб этишишимиз даркор.

**Акрам ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
Самарқанд қишлоқ  
ҳўжалик институти  
талабаси

## Маҳаллалар куни

**Кўчли фуқаролик жамиятини барпо этишда маҳалланинг ўрни бекиёс. Қарши шаҳрида 62 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, улар эзгу ишларни амалга оширишда бош-қош бўлишарди.**

Ёшлар йили ва Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан ҳафтанинг ҳар шанбасида Қарши шаҳар болалар маданият ва истироҳат боғида «Баркамол ёшлар — ватан таянчи» шиори остида маҳаллалар куни ўтказилмоқда.

Бу галги тадбирда Дарвозатутак, Заҳокимарон, Зоғза, Табасум, Усмон Юсупов, Чармгар, Бузрукобод маҳаллаларининг йигит-қизлари қатнашди.

— Байрам олдидан ўтказилаётган бу тадбир ёшларни маҳаллалар тарихи билан таништиришда катта аҳамият касб этади, — дейди «Роғузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайбулла Отабоев. — Қизиқарли учрашувларда Мўмин Бозоров, Раҳмон Исмаилов, Роза Қиличева каби қариялар ёшларга ўзларининг ҳаёти, мустақилликнинг қадри ҳақида сўзлаб бердилар.

Тадбирда ҳунармандчилик, зардўзлик, каштачилик, дурадгорлик маҳсулотлари намойиш қилинди.

Ўз мухбиримиз

## Тиббиётчилар беллашганда

Чиноз шаҳридаги марказий стадионда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши томонидан ўтказилаётган «Саломатлик» спартакиадасининг худудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Чиноз, Янгийўл, Тошкент туманлари ва Янгийўл шаҳридаги тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 70 нафардан ортиқ ёш ходимлар спортнинг энгил атлетика, теннис, волейбол, арқон тортиш турлари бўйича баҳслашишди.

Мурасасиз баҳсларда ёш тиббиётчилар маҳорат ва спортга бўлган муҳаббатларини намойиш этишди.

Ғолиблик учун курашда мезбонлар тенгсиз эканликларини кўрсатишди. Янгийўл ва Тошкент туманлари вакиллари кейинги ўринлардан жой эгаллашди. Ғолибларга қимматбахо совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

## Янги корхона

Булунгур туманида резина пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхона иш бошлади. Қунига 2 минг жуфт резина пойабзал ишлаб чиқараётган «Булунгур интерлига» корхонасида шу вақтга қадар 200 минг евролик жиҳоз ва ускуналар ўрнатилган. Яқин келажакда Хитойдан хом-ашё келтиришга барҳам берилиб, арзон ва сифатли хом ашё ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилади. Айти пайтада 120 нафар булунгурликлар мазкур корхонада меҳнат қилишмоқда.

Н.ФАХРИДИНОВ

## «МУНИС» РУСУМЛИ МОТОЦИКЛАР

Ўзбекистон - Хитой ўртасида ташкил топган «PANA» қўшма корхонасида илк тиркамли мотоцикл йиғилди. Сирдарёлик тадбиркор Қодиржон Шодиев унинг биринчи харидори бўлди.

— «Мунис» русумли мотоцикл, — дейди Қодиржон Шодиев, — жуда қулай бўлиб, 800 килограммгача юкни ташиш қувватига эга. 100 км. га атиги 2,8 литр бензин сарфлайди. Кафолат муддати бир йил.

Умид қиламанки, уни сотиб олиб хато қилмадим.

Хуллас, янги уловга қизиқиш ортиб бораётир. Нархи унчалик қиммат эмас, лизинг асосида ҳам харид қилиш мумкин. «Саноатқурилишбанк»нинг вилоят бошқармаси қўшма корхонада ўз бўлимини очиб фаолият юрита бошлагани ҳам айти мурра бўлди. Ҳозирча қунига 10 та мотоцикл йиғилапти.

— Бугунги кунда, — дейди

цех бошлиғи Лианг Лиг, — ишчиларимиз мотоциклларни йиғишда Хитойнинг Шанхай шаҳрида жойлашган бош корхонадан келтирилайтган эҳтиёт қисмлар ва мурватлардан фойдаланяптилар. Лекин маълум муддат ўтиб, эҳтиёт қисмларини тайёрлаш ҳам Ўзбекистон заводларида амалга оширилади.

Пиримқул ДЎСТМАМатов,  
«Ishonch» мухбири



## Университет юбилейига муносиб ҳисса

Ёшлик — жўшқинлик, шижоат фасли. Талабалик эса ана шу даврнинг олтин беағзи ҳисобланади. Жорий йилнинг айти мана шундай ёшларга бағишланганлиги барчани бирдек қувонтириш асносида ғайратимизга ғайрат қўшди десам, муболага бўлмас. «Бунёдкор ёшлар ҳаракати»нинг ташкил топиши фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллик юбилеи муносабати билан бошланган таъмирлаш ишларида «бунёдкор»чилар алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Тенгдошларимиз билан кадрдон даргоҳ чиройини очишда қатнашаётганлигимиздан фахрланамиз.

Азиз тенгдош, биз юрт равнақига ҳисса қўшаямиз. Сен-чи?!

Ҳусниддин СИРЛИБОВ,  
ЎЗМУ талабаси, «Бунёдкор ёшлар ҳаракати» аъзоси

## Касаба уюшмалари «Ёшлар йили»да

**«Дунё саодати илмдандир» деган ҳикмат бежиз вужудга келмаган. Дарҳақиқат, инсон қўлга киритган ютуқларнинг замирида ҳамisha билим турган. Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари ҳам ана шу ҳақиқатни англаб етди. Бунда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар муҳим ўрин тутди.**

**Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят кенгашининг Ёшлар йилида амалга ошираётган хайрли ишлари билан қизиқдик.**

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳар бир касабаси уюшмаси раисининг ўзи аввало ҳар тарафлама билимдон бўлиши керак. Шу мақсадда ташкил этилган ўқув катта аҳамиятга эга бўлди. Унда Тошлоқ тумани бўйича вакил У.Давронов ва бошлангич касабаси уюшмаси раислари ўзаро фикр алмашдилар. Ишларни талаб даражасида олиб боришга, ҳужжатларнинг қонуний юритилишига оид маслаҳатлар берилди.

Кам таъминланган, иқтидорли аспирант ва талабалар учун 2007—2008 ўқув йилида махсус стипендиялар таъсис этил-

ди. Вилоят олий ўқув юртларининг 7 нафар талабаси Марказий кенгашининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг 28 нафар талабаси вилоят кенгашининг, шаҳар ва туманлардаги ёшлар «Саидахмад» савдо корхонасининг махсус стипендиясига сазовор бўлди.

2007—2008 ўқув йилида фанлар бўйича «Йилнинг энг яхши фан методисти», «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Энг фаол хотин-қизлар кўмитаси раиси», «Йил тарбиячиси» номига сазовор бўлган, фан олимпиадаларининг республика, вилоят босқичларида ўқувчилари фахрли ўринни эгал-

лаган муаллимларни рағбатлантириш мақсадида таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда Фарғоний номли дам олиш уйида 4-5 июн кунлари ғолибларни тақдирлаш маросимини ўтказди.

Бундан ташқари, ёшларнинг кўнгилли хордиқ чиқариши учун кўплаб тадбирлар ташкил этилади. Фарғона амфитеатрида таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши, Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти ҳамда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган концерт шулар жумласидандир.

Бундай тадбирларнинг деярли барчаси ходимларнинг ташаббуси билан ўтказилганлиги уларнинг янгиликка ўчилиги, ҳар доим олдинга интилишдан дарак беради.

(Давоми 5-бетда).

# «ОРОЛ БОЛАЛАРИ» ПОДШОЛИГИДА

Танишларимдан бири болалари ҳар ёзни Эллиққалъадаги оромгоҳда ўтказишини, ҳатто Тошкентдаги оромгоҳларга юбораман деса рози бўлмаслигини айтганида, очиги, ишонмагандим. Яқинда ушбу оромгоҳ фаолияти билан танишиб, бу ердаги бир-биридан ажойиб воқеаларга гувоҳ бўлгач, танишим тўғри айтганлигини англадим.

Бу оромгоҳни қорақалпоғистонликлар «Орол болалари» подшолиги деб аташади. Эллиққалъа туманидаги хушманзара Ақчақўл бўйида жойлашган соғломлаштириш маркази мустақиллик тенгдоши. У соҳил бўйидаги 17 гектар майдонни эгаллаган. Барча керакли жиҳозлар билан таъминланган уч бино, очиқ театр, дискотека майдони, спорт майдончаси, 200 ўринли ошхона, Ақчақўлнинг бир қисми ва «Орол болалари» теплоходи уч ой давомида болалар ихтиёрига берилди.

Оромгоҳ дарвозасидан киришингиз билан майин шамол дилни яйратади. Ҳаво шу қадар энгил ва мусаффоки, ўзингизни Оролбўйида эмас, жаннатмакон водийда ёки Зомин тоғларида юргандек ҳис қиласиз.

— Отамнинг олдида келдингизми? — қарши олди ўн икки ёшлардаги ўспирин. Саволига тушунмаганимни болакай дарров илғади.

— Ота — директоримиз, — изоҳ берди у ва йўл бошлади.

Оромгоҳ ташкилотчиси Қурбонназар Қаландаров ҳақида кўп эшитгандим. Касби ўқитувчи бўлган бу инсон узоқ йил катта-кичик лавозимларда ишлаган. «Матбуот тарқатувчи»нинг туман бўлимини бошқарган. Болаларга меҳр уни ушбу оромгоҳни ташкил қилишга ундади. Ниҳоят, туман ҳокимлиги кўмагида ушбу эзгу мақсадига эришди.

— Тошкентнинг тарихини еган чучмуқ Маккадан қайтиб келади деган гапни эшитгандирсиз, — дейди Қурбонназар ака. — Мен бу мақолни оромгоҳимизга нисбатан ҳам ишлатаман. Биринчи йиллари оромгоҳимизда дам олган болалар ҳозир кап-катта йигит-қизлар. Турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, юртимиз тарқатиётгани улуш қўшмоқда. Уларнинг аксарияти ҳар мавсум оромгоҳимизга ташриф буюриб, кўмаklarини тақлиф қилишади. Марказимиз уларнинг қалбидан чуқур жой олганлиги мен учун катта бахт.

Оромгоҳга ҳар йили машҳур инсонларнинг ташриф буюриши анъанага айланган. Айниқса, бултур «Ақчақўл илҳомлари»да иштирок этган Абдулла Орипов бошлиқ шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашув болалар қалбига чуқур муҳрлангани аниқ. Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матқубова тақдим қилган китоб ҳар мавсумда ўқувчилар орасида қўлма-қўл бўлади. Болалар шоирнинг меҳр ва муҳаббатга йўғрилган сатрларини дарров ёдлаб олиб, мушоира қиладилар.

Бу йил «Ёш назоратчилар слёти» айнан шу оромгоҳда ўтказилгани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган ўсмирлар ушбу масканда вақтини сермазмун ўтказдилар.

Оромгоҳ бош етакчиси Мирзагул Асанова ёшулнинг сўзларини давом қилдириб, фаолияти билан кенг таништиради.

— Ҳар навбатда 225, жами 900 болани соғломлаштирамиз, — дейди у. — 36 ишчи-хизматчи уларнинг хизматида. Машгулотлар олти бўлинмага бўлинган ҳолда олиб борилади. Туман маданият ва спорт бўлими, «Камолот» билан яқин ҳамкорлик қиламиз. Мана бугун болаларни Бўстондаги санъат саройига саёҳатга олиб чиқдик. Қадимий қалъалар, муқаддас қадамжоларга ҳам тез-тез олиб борамиз.

Умуман, оромгоҳда ҳар бир кун

учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган. «Кувноқ стартлар» мусобақаси, «Марказ маликаси», «Лагер султони» танловлари бир-биридан қизиқarli тарзда ўтказилди.

Оромгоҳ фаолияти билан



танишиш жараёнида болаларни суҳбатга чорладик.

— Менга бу ердаги шароит жуда ёқди, — дейди Мўйноқдаги 9-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ойсанам Шегебаева. — Барча тадбирларда фаол қатнашишга ҳаракат қилаяпман. Чимбой туманидаги 43-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Багила Жақсимуратова эса бугунги саёҳатдан завқланганини таъкидлади.

Нукуслик Мурат Холмуратов ва берунийлик Ерлан Мамбетовга, айниқса, теплоходда Ақчақўл бўйлаб сайр қилиш ёқаркан.

— Мен оромгоҳга ҳар йили келаман, — деди Хўжайли туманидаги 51-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жасур Хўжаев. — Бу масканни эртақлардаги сеҳрли диёрга қиёслайман.

Биз дам олувчилар ва оромгоҳ бошлигининг ўзаро муносабатини кўриб, у кишига Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи унвони бежиз берилмаганини англадик. Қурбонназар ака дам олувчи ҳар бир боланинг исмини билади ва улар билан ўз фарзанди каби муносабатда бўлади. У киши билан гурунглашаётган чоғимиз ўнлаб болаларнинг ота дея бўйнидан кучишлари фикримизни исботлайди.

Қурбонназар аканинг истаги оромгоҳни кенгайтириш, уни кишин-ёзин фаолият кўрсатадиган ўқув-соғломлаштириш марказига айлантириш. Бир пайтлар бунинг учун ҳаракат ҳам бошланган эди. Аммо айрим сабабларга кўра қурилиш тўхтаб қолди.

— Бунинг учун беминнат инсонларнинг озгина кўмаги керак, — дейди у киши. — Айниқса, касаба уюшмалари Федерацияси бизни қўллаб-қувватласа, мақсадимизга эришишимиз осон кечарди. Бу экологик муаммолар гирдобиди вояга етаётган оролбўйи болаларига улкан ғамхўрлик бўларди.

Интилганга толе ёр дейдилар. Бир куни Қурбонназар аканинг ушбу орзуси ҳам ушалишига шубҳа йўқ.

Муҳаббат Тўрабоева,  
«Ishonch» мухбири

2004 йили «Хонқа» санаторийси янги бинога кўчирилгач, эски бинодан қандай фойдаланиш масаласи кўрилди. Аввало, бу ердаги дарахтларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида учратиш қийин, қолаверса, ҳали бинолар ҳам бинойидай. Шу тариқа бино реконструкция қилиниб, вилоят халқ таълими бошқармаси ихтиёрига берилди. Бу ерда санаторий типидagi вилоят мактаб-интернати ташкил қилинди. Эндиликда у воҳада болалар санаторийси сифатида анча машҳур. Баҳаво масканда ҳар йили 900 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади ҳамда саломатлигини тиклайди. Ёзда эса унинг қошида ташкил қилинган «Соғлом авлод» оромгоҳида яна 300 нафар ўқувчи саломатлигини тиклаш имконига эга.

## ҲАМ ДАМ, ҲАМ ШИФО

Интернатга асосан 6 — 7 синф ўқувчилари қабул қилинади. Дарслардан сўн болалар тикувчилик, тўқувчилик, чет тили тўғарақларига жалб этилади.

50 кишилик жамоа кишин-ёзин болалар хизматида. Бу ерга асосан шамоллаш-бронхиал астма, сурункали танзилит, ревматизм хасталиқларига чалинган ўспиринлар саломатлигини тиклаш учун келишади.

Оромгоҳда ҳар куни «Кувноқ болаларимиз», «Тоза ҳаво — танга даво», «Китоб бизнинг дўстимиз» каби тадбирлар ташкил этилади. Бундан ташқари спорт мусобақалари ўтказиб борилади.


120 ўринли киши ва ёзги ошхона мавжуд.

Компютер хонасида ҳар соатда ўнтадан ўқувчи жалб қилинган ҳолда машгулотлар олиб борилади, дам олиш хонасида ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз акс этган филмлар намойиши йўлга қўйилган.

Улли БОБОЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## ЎЗ СОЗ ЎТДИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалининг Ғазалкент туманида жойлашган «Алоқачи» оромгоҳида ҳар йили 320 нафар бола дам олади. Унга Шоира Турсунова раҳбарлик қилади.



## ТОҒЛАР БАҒРИДА

Китоб туманининг сўлим гўшаларидан бири — Қайнар қишлоғида «Муборакнефтьгаз» унитар шўъба корхонасида қарашли «Ёш алангачи» оромгоҳи жойлашган.

Дарвозадан киришингиз билан мармар фавворалардан отилаётган зилол сув салқини димогингизга урилади. Оромгоҳда ҳар йили 2000 дан ортиқ ўғил-қиз дам олади.

11 йилдирки, тажрибали педагог Ҳайдар Қаландаров оромгоҳга раҳбарлик қилмоқда. Унинг ташаббуси билан эски бинолар ўрнида замонавий иморатлар тикланди. Қўшқаватли бинолар мукамал таъмирланди. Теварак-атроф ободонлаштирилди.

— Жамоамизда 19 та дам олувчилар гуруҳи ташкил этилган, — дейди оромгоҳ бошлиғи. — Уларга 40 га яқин тарбиячи ва етакчилар масъул. Малакали шифокорлар болалар соғлиғини назорат қилиб туришибди.

Болаларга 5 маҳал иссиқ овқат, сархил сабзавот ва полиз маҳсулотлари берилди. 1999 йилдан буён оромгоҳнинг ўз новвойхонаси бор.

Дам олувчилар ўртасида «Балли, қизлар», «Оромгоҳ маликаси», тарбиячилар орасида «Энг кувноқ тарбиячи», иқтидорли болалар билан



«Асфалтга расм чизиш», «Мохир қўллар» танловларини ўтказиш анъанага айланган.

«Мулоқот» театр-студияси жамоаси болалар учун спектакл намойиш этди. Амир Темур даврида қурилган Оксарой, Дорус-саодат, Дорутиловат, Гумбази сайидон каби обидалар зиёрат қилиниб, қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳатга борилди.

«Ёш алангачи»да дам олиб кетган бола яна бу гўшага келишни хоҳлайди. Бу ёрнинг гўзал табиати ҳар бир кишини мафтун этади.

Иzzат ҲИКМАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

Хонбиби МАҲАМОВА



Виктор АЛИМОВ,  
фалсафа фанлари  
доктори, профессор

Жамиятнинг аёлларга таъсири мудом бир хил бўлмаган. Шарқ (10-12 асрлар) ва Ғарб (14-16 асрлар) уйғониш даврида инсон ақл-заковатига ишонини шаклланган, илм-фан, маданият ривожланган, лекин аёлларни оилага банд этиш, илм-фанга яқинлаштирмаслик ҳукм сурган. Собиқ иттифоқ даврида коммунистик идеология, тоталитар маъмурий бошқариш тизими ўрнатилган, аммо аёллар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок этган. Тоталитар тузум барҳам топиб демократик ислохотларга йўл очилгач, аёлларнинг қайтадан оилага қайтаётгани, ижтимоий-сиёсий ҳаётга бефарқ қолаётгани кузатилади. Демак, жамият ҳар доим ҳам аёлларнинг турмуш тарзи ва қадриятларни танлашига ўз мақсадига мувофиқ таъсир этолмас экан.

Гендер нотенглик гендер муносабатларни баҳолаш ёки ўлчашдаёқ содир бўлади. Ҳар қандай тадқиқотчи уларни ўз жинси нуқтаи назаридан баҳолашга интилиб, гендер нотенгликни бошлаб беради. Ушбу нотўғри ёндошишдан қочиш йўли БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ҳақидаги нормалардан келиб чиқидир.

Т.Бендас аёл ва эркак ўртасида глобал фарқлар мавжудлиги ҳақида: 1) юқори даражада ташкил этилган гуруҳларда — эркакларда: эмоционал барқарорлик; юқори даражадаги муносабатларга киришиш; аёлларда: алоқалар таранглиги, қулайликлар, ўзини ўзи идора этишда сустилик; 2) паст ташкил этилган гуруҳларда — эркакларда: ўзини намоён этишга интилимаслик, паст ўзлаштириш; аёлларда: босиқлик, ўзига ишониш, эмоционал барқарорлик, ўзини ўзи яхши кузатиш ва намоён этиш, ўз қобилиятларини юқори баҳолаш, гуруҳнинг фикрига етакчи бўлиш истагининг мос келмаслиги; 3) ўртача ташкил этилган гуруҳларда — эркакларда: юқори ўзлаштириш, муносабатларга киришишда фаол бўлмаслик; аёлларда: алоқаларда ўзгарувчанлик, эмоционал беқарорлик, ўзини ўзи назорат қилишда безовталиқ, ўзини намоён қилишда нофаоллик, қулайликка интилиш хос деган хулосага келади. Бошқа тадқиқотлар ҳам аёлларда ҳис-туйғуларга берилиш, бошқаларнинг қўллаб-қувватлашига мойиллик, эркакларда эса ўзига ишониш, кишилараро муносабатларни йўлга қўйиш орқали уларни ўз кетидан эргаштиришга интилиш мавжудлигини асослайди. Лекин бу хулосалар ушбу фарқларни мутлоқлаштиришга олиб келиши мумкин эмас. Муҳит, тарбия, шарт-шароит таъсирида уларнинг ўрни, йўналиши, гендер муносабатлардаги функцияси ўзгариши шубҳасиздир.

Аристотелнинг фикрига кўра, аёл болага тана, эркак эса руҳ ато этади. Руҳ танани бошқаради. У танадан юксакроқдир. Де-

мак, аёл (тана) эркакка (руҳга) бўйсунини лозим. Бу мутафаккирнинг аёлни камситувчи фикри эди. Платон илк одамлар кўш жинсли — андрогин бўлган деб ёзади. Улар шундай кучга эга бўлишганки, бир сакраганида Зевс даргоҳига чиқиши ҳеч гап эмас экан. Зевс андрогинларнинг қувватидан кўрққан ва уларни иккига — аёл ва эркакка ажратган. Шунинг учун Платонни «биринчи феминист» деб аташади. Минг афсуски, Платон ҳеч қачон аёл ва эркак ўртасида тенг муносабатлар бўлишини ҳимоя қилмаган, балки, аксинча, у аёлларнинг ҳуқуқини камситувчи гояларни илгари сурган. Масалан, у кўрқоқ эркакнинг руҳи унинг вафотидан кейин аёлга ўтади деб ҳисоблаган. Энг пасткаш эркак ҳам, файла-



# Жинслараро муносабат (мувозанат)...



суф назарида, ҳар қандай аёлдан устундир.

Платоннинг аёлга муносабати зиддиятли. Баъзан у аёлни паст мавжудот сифатида қараса, баъзан аёл файласуф, жангчи бўлиши, дала ишларини бошқаришда иштирок этиши мумкин деб билади. Болалар тарбияси билан шуғулланиш баб-баробар аёлга ҳам, эркакка ҳам тааллуқлидир. Бу ўринда алломанинг феминистик қарашлари кўзга ташланади.

Туғиш (туғилиш) жараёни бетартиб кечмаслигини антик давр мутафаккирлари яхши англашган. Масалан, Платон эркаклар 30-55 ёшларида, Аристотел эса эркак 37 ёшдан кейин фарзанд кўриши мумкин деган фикрни билдирадидилар. Агар Платон «ортиқча» аҳолининг шаҳар (давлат)дан ташқарига чиқишини тақлиф этса, Аристотел касал ва ногирон болаларни ўлдириш зарур, ҳар бир оила ўрнатилган норма доирасида фарзандлар кўриши мумкин деб ҳисоблайди. Оилавий ҳаётни, эркак ва аёл муносабатларига давлат иши сифатида қараш, уларни маълум бир талабларга бўйсундириш истаги барча тарихий босқичларда учрайди.

Одам бисексуал мавжудот, унда аёллик ҳам, эркаклик ҳам бор. Умр бўйи у ушбу икки ҳолатни муросага келтириб, уй-

ғунлаштириб яшашга мажбурдир. Агар унда аёллик белгилари устун келса, у эркакни илоҳийлаштиришдан ундан нафратланишгача боради. Аёллик белгилари ўзлигини, яъни аёллигини асраб қолиш ва улуглашга ундайди. Агар одамда эркаклик белгилари устун келса, у, аёлдан фарқли тарзда, аёлдан ўзишга, уни ўзига тўла итоат эттиришга интилади. Аёл ўзини ва ўзи орқали наслини асрашга интилса, эркак куч орқали ўз мавқеини қарор топтиришни маъқул кўради. Аёлда аёллик, эркакда эркаклик белгиларининг устун келгани хавфлидир, бу ҳолда гендер муносабатларида кескинлик, очик тўқнашлар юзага келади. Аслида ушбу белгилар уйғунликда келгани маъқулдир.

Гендер фарқлари шунчалик кенг кўзга ташланадими, уларни бартараф этиш амримаҳол. Гоҳ гендер нотенгликнинг ташаббускорлари аёллар бўлиб чиқадилар. Ўз тақдирини ўзи ҳал қилолмайдиган, ижтимоий ҳаётда қатнашиш имконига эга бўлмаган давлатларда аёллар гендер тенглик мавжудлигини, аёл ва эркак ҳаёти инсон ҳуқуқлари асосига қурилишини билмайдилар. Баъзи давлатларда аёлларни эркакларнинг сексуал қизиқишларини қондириш учун қул сифатида сотиш анъанаси сақланиб қолмоқда. Германия, АҚШ, Франция, Италия, Са-

удия Арабистони, Туркия, Япония каби давлатлар глобал секс майдонига айланаётгани жуда хайратланарли ҳолдир.

Перцептив хусусиятлар ўртасидаги фарқлар янги туғилган чақалоқларда ҳам кўзга ташланади. Қиз бола онасининг овозини, овози орқали эмоционал ҳолатини, кайфиятини тез илғайди. Аёллар ўртасида тез бир-бирини тушуниш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш юзага келади. Ўғил бола онасининг овозидан кўра қизиқиш объектига, яъни кўкрагига кўпроқ ёпишади ва онаси билан яқинлигини, мулоқотини ўз эҳтиёжини қондириш орқали ифода этади. Ўғил боланинг эмишга ўчлиги уни онага жуда яқинлаштиради. Она қизидан бир куни узоқлашишини инстинктив билади («қиз бола бировнинг хасми-да!»). Шу боис у қизидан узоқлашганига тез кўникади, аммо ўғилнинг узоқлашганини ҳеч кечиролмайди. Бу ўринда у келинни қоралайди. «Хотинининг чизган чизигидан чикмайди», «Хотин деб тўққан онасидан кечган» деган сўзларни қайтармайдиган она, қайнона йўқ.

Э.Маккоби ва К.Жаклиннинг кузатишларига мувофиқ 8 ёшгача ўғил ва қиз болалар жисмонан тез ривожланадилар. Балогат ёшига яқинлашган сайин ўғил болалар жисмонан тез ўсади ва 18-21 ёшда қизлардан фарқ қиладилар. Уларнинг куч-қувват, ҳокимият ҳақидаги қарашлари ҳам ушбу ёшда шаклланади. Ўғил болалар ўз кучини қўллаш имкониятини берадиган касб-корни, қизлар эса бадий-эстетик имкониятларини кенгайтирувчи, кишилараро ва оилавий муносабатларни мустаҳкамловчи соҳаларни танлайдилар. Демак, ёши ошган сайин аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлар, ҳаёт тарзи, фикрлаш, касб-кор танлаш дифференциаллашиб боради. Аммо бу ўзига хосликлар аёл ва эркакка инсон, яхлит биосоциал сифатларга эга мавжудот сифатида қарашни рад қилмайди.

В.Геодакяннинг эволюция назариясига кўра, тараққиётда эркак ҳаётни ривожлантириш, ўзгартириш, аёл эса кўпайтириш (популяция)ни асраш вазифаларини бажаради. Ҳаёт талабларига мослашиб ўз наслини, ҳаётнинг боқийлигини асраш учун аёл ҳар қандай оғир шароитга, шартларга чидайди. «Аёлнинг жони қирқта» деган нақл беҳуда айтилмаган. Эркак нақл жарлик, қайсарлик, ўз мақ-

садидан, ниятидан, сўзидан қайтмаслик хос, шу боис у ён-атрофнинг ўз тасаввурларига мувофиқ бўлишини истайди.

Икки-уч эркак йиғилса ё аёллар ёки сиёсат ҳақида баҳс бошланади. Аслида эса аёл ва сиёсат бир-бирига мунтабиқ бўлмаган мавзулардир. Аммо эркак уларнинг иккаласи ҳақида мулоҳаза юритишни севади; у ҳаёлига келтирмайдики, қандай қилиб бир-бирдан узоқ мавзуларни бир қалбга, бир ақлга сиғдириш мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатадики, аёллар ҳам эркаклар ҳақида «шивир-шивир» қилишади, лекин улар сиёсат ҳақида мунозара қилишмайди. Чамаси улар ўзига, оиласига ва кундалик турмушига яқин нарсалар ҳақида қайғурадидилар. Сиёсат уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларидан узоқ соҳадир. Шунинг учун ҳам аёллар ичида сиёсатшунослар учрамайди.

Гендер нотенгликни бартараф этиш барча халқлар, миллатлар мақсадига айланган эмас. Айниқса Осиё, мусулмон мамлакатларида патриархал муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳаёт тарзи бўлиб қолмоқда. Махсус тадқиқотлар натижаларидан маълумки, айнан ушбу давлатларда аёллар патриархал муносабатларни, яъни эркакларнинг устунлигини қўллаб-қувватлашади. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан ушбу ҳаёт тарзини қоралаш мумкин, аммо этномаданий нуқтаи назардан уни қоралашга асос топиш қийин.

Айрим соҳаларда эркакнинг етакчилик қилиши аёллар ушбу соҳаларда фаолият кўрсатиши мумкинлигини инкор қилмайди. Психологик ривожланишида гендер фарқлари бўлса-да, улар гендер тенгликни қарор топтиришга халақит беролмайди. Қизиқиш, интеллект, иқтидор, кўникма, ўз «мен»ини намоён қилиш истаги, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш хоҳиши аёл ва эркакка баб-баробар тааллуқли хислатлардир. Тўғри, ушбу вазифаларни бажариш ва хислатларни намоён этиш ҳар хил даражада ёки қўламда бўлиши мумкин. Аммо улар ҳам гендер нотенгликни қўллаб-қувватлашга олиб келолмайди. Аёллар ва аёллик эркаклардаги босқинчилик, зўравонлик, ҳукмронлик қилишга интилиш ни босиб туришини унутиш мумкин эмас. Ҳар қандай шовинизм тенгликнинг, эрк ва демократиянинг душманидир.

ISTON KELAJAGI BUYUK DAVLAT



# Касаба уюшмалари «Ёшлар йили»да

## «СЕМИНАР МЕНГА КЎП НАРСА БЕРДИ»

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ҳар бир семинар иштирокчиси хайрлашув олдидан шундай дейди. Чунки ташаббускор ва жонкуяр касаба уюшма аъзолари семинарнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

— 2008 йил 16–17 май кунлари Фурқат туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишларни янада жонлаштириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшмаси раисларининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида семинар ташкил этилди, — дейди «Ўқувчилар Биозэксан маркази» касаба уюшма кўмитаси раиси Зулхумор Аҳмедова. — Унда 87 нафар касаба уюшма раиси фаоллари иштирок этди. Семинарда вилоят ХТБ маънавий-маърифий ишлар бўйича бўлим бошлиғи М.Исмоилов маъруза қилди.

Ташкиллаштирилаётган ҳар бир семинар фаолиятимиз ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жорий йилда асосий эътибор келажагимиз ворисларига қаратилаётганлиги ҳам ҳозирда ноқ самарасини берапти.

## БОЛАЛАР ҚАНДАЙ ХОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДА?

Яхши ҳордиқ саломатлики меъёрида тутати, фаолиятнинг самарали бўлишига хизмат қилади. Ишчи-хизматчиси, ўқувчи ёки талаба — барчасининг таътили кўнгилдагидек ўтишида касаба уюшмаларининг ҳам ҳиссаси бор.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши тасарруфидаги «Коинот» оромгоҳи кўҳна Кўқоннинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Бу ерда айни кунда 340 нафар бола мароқли ҳордиқ чиқармоқда.



Ичкаридан чиқиб келаётган болалардан бирининг онасига «Айни қизиқ жойида келдингиз-да» деган гапи бизни қизиқтириб қўйди. Маъмуриятдан рухсат сўраб, ичкарига киришга жазм қилдик. Оромгоҳ ҳовлиси саранжом-саришта. Кираверишда ота-оналар учун эслатмалар ёзиб қўйилган. 4 та гуруҳ жойлашган бинонинг ҳар бир хонаси замонавий услубда жиҳозланган.

Дарвоқе, оромгоҳга ўтган йили Марказий кенгаш томонидан 3 млн. сўм ажратилган ва ошхона анжомлари олиб берилганди. Бундан ташқари, 2007 йил якуни бўйича Республика соғломлаштириш комиссиясининг хулосасига кўра оромгоҳ фахрли ўрини эгаллаб қимматбаҳо телевизор билан тақдирланди. Жорий йилда ҳар бир болага камалак рангини ифода этувчи «Коинот» ёзуви туширилган футболкалар совға қилинди. Таниқли актёр Рихсивой Авазов, шоир Кавсар Турдиеваларнинг ташрифи болаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса ажаб эмас.

Рақс, тасвирий санъат, сузиш каби 12 та тўғаракнинг ташкил этилиши болалар учун айни муддао бўлди.

Айрим ўқувчиларни суҳбатга тортдик.

**НОЗИМА СОЛИЖОНОВА (Олтиарик), 6-гуруҳ аъзоси:**

— Мактабда рақс тўғарига қатнардим. Оромгоҳга келганимда ҳам рақс тўғарига борлигини кўриб

дарҳол аъзо бўлдим. Раҳбаримиз Маърифатхон Бозорованинг кўмагида бир қатор миллий рақсларни ўргандим. Бу ердаги ҳар бир тадбирда рақсларимиз билан қатнашамиз.

**ҲАФИЗА ФАЙЗУЛЛАХҲУ-ЖАЕВА (Бешарик), 8-гуруҳ аъзоси:**

— Апликация тўғаригимизда нафақат янги қоғозлардан, балки фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дафтар ва жиҳозлардан ҳам ўйинчоқ, ошхона буюмлари ясашни ўрганиб олдик. Энди укамга ўзим ясаган ўйинчоқларни совға қиламан.

Шу пайт оромгоҳ радиосидан эълон берилди: «Диққат, диққат, ҳамма бассейнга келсин!». Бу эълондан кейин масканда кўтарилган кийкириқларни изоҳлашга ҳоҳлат бўлмаса керак. Ҳар ким ўз гуруҳи томон шошилиб, чўмилиши кийимида ҳовуз бўйига тўплана бошлади.

Биз эса «Мароқли дам олинг, болалар!» дея оромгоҳни тарк этдик.

2008 йили ХТБ тасарруфидаги РИШТОН туманидаги «Топиволдиев», Олтиарик туманидаги «Юлдуз», Бувайда туманидаги «Ёшлар орзуси» ва бошқа оромгоҳларда ҳам вилоят кенгашининг ёрдами билан юқоридагидек шароитлар яратилган. Уларнинг барчасида вилоят кўғирчоқ театри томонидан томошалар ташкил этиб келинмоқда.

## ТАЪТИЛ — ЎҚИТУВЧИ УЧУН ҲАМ БИР ИМКОНИЯТ

— Юртбошимизнинг «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир» деган гапи ҳар бир фидойи ўқитувчининг аъмолига айланган, — дейди Фарғона шаҳридаги 11-мактаб

бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Б.Абдуғаниев. — Ҳар бир ходимнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришида асосий масъулият касаба уюшмаси зиммасига юкланади. Зеро, таътил келгусидаги фаоллик гаровидир.

Аслида ўқитувчи таътилда ўтган ўқув йилини сарҳисоб қилади, ютуқ ва камчиликларни обдон таҳлил этади ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик кўради.

— Касбини севган ҳар бир киши албатта қадр топади, — дея суҳбатга қўшилади Ҳакимаҳон Ҳайитова. — Туман халқ таълими бўлими бошланғич синфлар услубчиси бўлиб ишлаётганимга ҳам 10 йилдан ошди. Касаба уюшмасининг мададини ҳис этиб келмоқдаман. 2007 йили «Шухрат» медали билан тақдирландим. Бундан ташқари, вилоят халқ таъли-

таҳкамлаш мақсадида кўпгина хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Вилоят халқ таълими ходимлари ўртасида спортнинг 7 тури бўйича 3 босқичдан иборат спартакиада ўтказилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Бўстон» санаторийсида шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол, арқон тортиш ва армрестлинг бўйича ўтказган 7-республика спартакиадасида вилоят жамоаси 2-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди ва Марказий кенгашнинг кўчма кубогини қўлга киритди.

Бундан ташқари, вилоят ХТБ билан ҳамкорликда «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан мактаб раҳбарлари ва халқ таълими ходимлари ўртасида мини-футбол ва волейбол мусоба-



ми бошқармаси, туман халқ таълими бўлими, касаба уюшмалари эсдалик совғаларини беришди. Бу иззатикром педагогларга билдирилган ишонч деб ўйлайман. Ҳар биримизга кўрсатилаётган эътибор учун Марказий кенгаш ва вилоят кенгашига миннатдорчилик билдираман.

## СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ёшлар йилида таълим тизими ходимларини спортга кенгроқ жалб этиш, саломатлигини мус-

қаси ўтказилди. Унинг қатнашчилари вилоят кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» республика спорт мусобақасида вилоят ёшлари 3-ўринни эгаллаб, 6 та олтин, 10 та кумуш, 27 та бронза медалини қўлга киритдилар. Жамоага Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси тўхфа қилинди, шахсий биринчилик учун 6 нафар қатнашчи велосипедли бўлди. Фолибларга вилоят кенгашининг ҳам совғалари берилди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**  
«Ishonch» мухбири



(Давоми. Боши 1-бетда).



**? Ногиронларнинг меҳнат таътили**

2-гурӯх ногирониман. Менга ҳар йили 24 кундан иборат меҳнат таътили беришяпти. Шу тўғрими?  
**С.ДАВЛАТОВ,**  
Урганч шаҳри

Меҳнат кодексининг 135-моддасига асосан сизга 30 календар кун ҳисобидан меҳнат таътили берилади.

Шуни қўшимча қилиш керакки, таътиллarning муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисобланади. Таътил вақтига тўғри келиб қолган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобланмайди.

Буйруқда иш куними ёки календар кунни, муддатнинг қачондан-қачонгача эканлиги аниқ кўрсатилиши керак.

**Довуд МАДИЕВ,**  
ҳуқуқшунос

**Хикмат**

Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.

**СУҚРОТ**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

**Т.ЛАТИПОВ,**  
Гулистон шаҳри

**Мол-мулкка солинадиган солиқлар**

2008 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексига асосан Ўзбекистон ҳудудида жойлашган уй-жой, квартира, дала ҳовли, гараж ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объекти ҳисобланади. Объектнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиладиган инвентаризация қиймати солиқ солинадиган база саналади. Ушбу кодекснинг 275-моддасида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар бўйича имтиёзлар кўрсатиб ўтилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдор қаерда яшайдан қатъи назар, объект жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилади. Солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январгача бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Солиқни тўлаш тўғрисидаги хабарнома мулкдорларга солиқ органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Солиқни тенг улушларда бир йилда иккига бўлиб 15 июн ва 15 декабргача тўлаш мумкин.

Солиқ кодексининг 287-моддасига асосан мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқлари ер солиғи тўлайдилар.

Деҳқон хўжалиғи юритиш ёки якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари, жамоа боғдорчилиғи, узумчилиғи ва полизчилиғини юритиш учун берилган, шунингдек, якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ерлар; хизмат юзасидан берилган чек ерлар, мерос бўйича, ҳада қилиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан бирга олинган ер участкалари, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ерлар, тадбиркорликни юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари солиқ солиш объектидир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг ер участкасининг майдонига доир маълумоти солиқ солинадиган база ҳисобланади. 290-моддада жисмоний шахсларнинг ер солиғини тўлашдаги имтиёзлари кўрсатиб ўтилган.

Ер солиғини тўлаш муддати кўрсатилган хабарнома солиқ тўловчиларга солиқ органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Солиқнинг ярмини 15 июнгача, қолган қисмини 15 декабргача тўлаш мумкин.

**Д.СУЛАЙМОНОВ,**  
Чилонзор тумани солиқ инспекцияси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**? Декретдан қайтдим...**

1. Агар декретдан қайтган аёл ўз ўрнида ишлашни хоҳласа, ким ишдан озод этилади?
2. Икки ойлик касаллик варақаси пулини олганим йўқ. Нима қилай?

**М.ҚОСИМОВА,**  
Қашқадарё вилояти

1. Декретдан қайтган аёл ўз ўрнида ишлашни хоҳласа, яъни таътили тугамай ишга қайтса, мутахассислиги қандай бўлишидан қатъи назар декретга кетган аёлнинг ўрнида буйруқ билан вақтинчалик ишлаётган ходим ишдан озод этилади. Бироқ озод этилаётган аёл ҳомиладор ёки

уч ёшга тўлмаган боласи бўлса, у ҳеч истисносиз бошқа ишга жойлаштирилиши шарт.

2. Маъмурият 2 ойлик касаллик варақаси пулини сабабсиз бермаётган бўлса, юқори ташкилотга ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин.

**? Имтиёзли нафақага чиқаришмади...**

1987 йилдан 1990 йилгача мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ишлаган вақтим педстажга кирмайди, деб мени имтиёзли нафақага чиқаришмади. Шу тўғрими?

**Т.МИРЗАБОВЕВ,**  
Хоразм вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш соҳаси, муассаса,

иш, касб, вазифа ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхатига мувофиқ бундай ҳуқуққа эга эмассиз, чунки мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ушбу рўйхатда қайд этилмаган.

**Йўлдош АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси

**Жазо эмас, тарбия муҳим**

Илгариги замонларда ҳуқуқбузарлик содир этган ёшлар шафқатсизлик билан жазоланган. Бу ҳолат ўрта асрлардан 19-асрнинг ярмигача давом этган.

Ёшлар ўртасидаги жиноятларни ўрганган швейцариялик ҳуқуқшунослар Морис ва Вейяр Ц и бу л к и й л а р н и н г кўпйиллик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ўтмишда кичик ёшдаги болаларга катта ёшдаги ҳуқуқбузарларга тайинланадиган жазонинг барча тури қўлланган. Болаларни қамоқда тутиб туриш, қасамёд қилдириш, чидаб бўлмас азобларга дучор этиш шулар жумласидандир.

Бугунги кунда кўп мамлакатларда бундай жазолаш усуллари билан катта ёшлилар ҳам ҳимоя қилинади. Бу борада судлар фаолияти яхши йўлга қўйилган. Масалан, Шотландияда «Болаларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш тизими»га кўра, 18 ёшга тўлмаган оғир бўлмаган жиноят содир этганлар судда жавоб бе-

риш ўрнига жамоатчилик вакиллари билан иборат ҳайъат (ота-оналар, ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар) қонунни бузган бола билан суҳбат ўтказади. Сўнг «Бола ҳақида ғамхўрлик қилиш ва болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциянинг юридик ёрдам олишни кафолатлайдиган 37(б)-бандига асосан таъсир чораларини қўллаш ҳақида қарор чиқарилади.

Хорижий давлатларда вояга етмаганлар суди ва оила суди мавжуд. Дастлаб 1947 — 1948 йилларида Японияда оила суди ташкил этилган. Кейин Франция, Англия, Белгия, Люксембург, АҚШда ҳам шундай тузилмалар яратиш ҳаракати бошланган. Японияда оила суди ваколатига, жумладан, куйидагилар киради:

- вояга етмаганлар жинояти ва ҳуқуқбузарлиғи;
- катталарнинг вояга етмаганларга зарар етказётган жинояти;
- алкоғолли ичимлик истеъмол қилишга берил-

ган ўсмирларни ўқитиш ва ахлоқини тузатиш.

Россияда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолият кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳам бу борада талай ишлар қилинмоқда. Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларининг жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, ички ишлар идоралари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлиги ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, қаровсиз болалар назоратини таъминлаш, бекор юрган ўсмирларни ўқиш ёки ишга жалб қилишга кўмак бермоқда. Бунда маҳаллаларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш жоиз. У ёш авлод маънавиятини бойитиш учун қулай муҳитдир.

**Жавдатбек ШАВКАТ ўғли,**  
ТДЮИ талабаси

**Ҳасад қилган қолур уятга**

**ЁЛҒОН ҚАСАМ**

Қасам шунчаки ишонтирувчи восита эмас. У орномусли одамнинг ўз иймони, ҳатто ширин жонини ўртага қўйиб ичиладиган ҳақгўйлик рамзидир.

Самарқанд шаҳри Махмуд Қошғарий кўчасидаги хонадонларнинг бирида уч нафар фарзанди билан яшаб келаётган Элмира Юмаева ҳам ўз манфаати йўлида қасамни сув қилиб ичишга тайёр кимсалар хилдан эканлиги аён бўлди. Элмира ниҳоятда очикқўл Владимир Никоновни учратиб, у билан ҳамхона бўлиб яшаш йўлини топади. Буни аёл меҳри дея қабул қилган Владимир эса туз тотаётган хонадонидан саховатини аямайди. Шу зайил хонадонга фойдаланиш учун энг замонавий телевизор, «Daewoo» маркази DVD-плеер, «Пентиум-4» компютери, ҳар турдаги мебеллар, «Ока» кир ювиш машинаси сотиб олиб келтира бошлади. Аммо...

«Қанийди шунча мол-дунё фақат меники бўлиб қолса...». Шу фикр миёсига келди-ю, Элмиранинг ҳаловати йўқолди. Сўнгра вояга етмаган фарзандлари билан гални бир жойга қўйиб, 2008 йилнинг 28 август кунини Самарқанд шаҳар прокуратурасига ариза кўтариб борди. Гўё ҳамжонаси Владимир Никонов бир неча марта қизи Юмаева Светланага номуслига тўқсан эмиз. Гап тухматнинг ишончли чиқиши ҳақида борарди. Элмира қасаму кўзашдан таш-

қари бошқаларнинг етти уқлаб тушига кирмайдиган ваҳми билдирди. Аниқроғи, у эски таниши, 1992 йили туғилган Наджие Экремовани ўз ногорасига ўйнатишга эришади. Энди Наджие ҳам кўрсатма бериб, «Владимир Никонов менинг ҳам бир неча бор номусимни поймол қилган» дея сохта қасам ичарди. Юзлаштириш онларида Владимир қандай йўл тутишни билмай, чорасиз оғринарди. Шундай мушкул ҳолатда ҳақиқат юзга чиқди. Суд тиббиёт экспертизасининг 2008 йил 31 январдаги 157-хулосаси Наджие Экремованинг қизлик анатомик ҳолати бузилмаганини кўрсатиб турарди. Кейинги судга оид хулосалар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам она-бола Юмаеваларнинг уйдирмаларини фош этди.

Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан деган мақол бор. Ёлғон кўрсатмалари билан шунча оворачиликка сабаб бўлган Элмира ва Светлана Юмаеваларнинг ўалари қилмишларига яраша жазосини олишди.

**Сухроб МАЖИДОВ,**  
Самарқанд шаҳар прокуратураси терговчиси



ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН


Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.



ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.

ОЗБЕКИСТОН

Table of TV programs for Uzbekistan, including channels like O'zbekiston, Toshkent, and Sport.


Table with columns for channel logos (O'ZBEKISTON, NTV, TV MARKAZ, TOSHKENT, PIRVIY, DOMASHNIY, ROSSIA, DIV, YOSHLAR) and program listings with times and descriptions.

Table with columns for channel logos (O'ZBEKISTON, NTV, TV MARKAZ, TOSHKENT, PIRVIY, DOMASHNIY, ROSSIA, DIV, YOSHLAR) and program listings with times and descriptions.

Table with columns for channel logos (O'ZBEKISTON, NTV, TV MARKAZ, TOSHKENT, PIRVIY, DOMASHNIY, ROSSIA, DIV, YOSHLAR) and program listings with times and descriptions.

Table with columns for channel logos (O'ZBEKISTON, NTV, TV MARKAZ, TOSHKENT, PIRVIY, DOMASHNIY, ROSSIA, DIV, YOSHLAR) and program listings with times and descriptions.





# Илонлар салтанати

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

«Зил»да тезда ётоқ жойига етиб келишибди-ю, йигит яшиқдаги нарсани ҳайдовчига айтмай кабинага солиб, изига қайтишибди. Йўлда кетатуриб ҳайдовчи машина тезлигини алмаштириш ҳаракатини қилса, педаллар унга бўйсунмас эмиш. Моторни ўчириб оёғи тагига бир қарабди-ю кабинадан тушиб, чўлга қараб қочибди.

Пўлатнинг кўзи илинган экан, уйғониб у ёқ-бу ёққа қарабди-ю гап нимадалигини тушунибди. Шошилиб яшиқ оғзини қулфлашни унутган экан.

Пўлат илонни яшиқка жойлаштириб ҳайдовчининг олдида борса, у ранги оқариб, даг-даг титраб турган эмиш. Қанча ундамасин кўнмабди. Шундан кейин бир амаллаб уни бортга миндириб, «Зил»ни ўзи манзилгача ҳайдаб борибди. Шу манзарани кўз олдида келтириб, кулгудан ўзини тўхтата олмаётган экан.

Бу орада қоронғу тушиб, ой шувласи ҳаммаёқни ёрита бошлади. Яна анча суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин мақсадимни айтдим. У анча ўйланиб қолди.

— Сизга ҳавасим келади, яқинда куёв бўласиз, келин билан кўша қаринлар, — деди.

Хайрон бўлдим. — Бир кун келиб сиз ҳам куёв бўласиз, давранинг тўри сизники бўлади.

— Йўқ, ошна, мен ҳеч қачон оила қурмайман, бу бахт менга насиб этмайди...

Унинг айтишича, Кашмирдан қайтгач, ўзи туғилиб ўсган жойда бир қиз билан севишиб, аҳду-паймон қилишибди. У пайтлар армияга бормасликни йигитлар ор билишар, қизлар ҳам бунинг бир айби бор деб турмушга чиқишмас экан. Шунинг учун у ҳам ариза ёзиб армияга жўнабди. Москва шаҳрида хизмат қилибди.

Бир ярим йил ўтгач бир ноҳақлик устида генерал билан гаплари чап тушиб қолибди-ю, уни кўпоровчи гуруҳга қўшиб Афғонистонга жўнатиб юборишибди. Қолган 6 ойлик

бадар ҳаёт йўлини танладим...

У гапирар экан, тўхтаб-тўхтаб, бўғилиб қолишдан рост сўзлаётгани биланиб турар эди.

У ҳикоясини тугатгач анча вақт жим бўлиб қолди, бошини бошқа тарафга буриб сездирмасликка ҳаракат қилаётган бўлса-да, кўз ёшлари оқаётганини қалбан сезиб турар эдим.

Бироз фурсат ўтгач у менга «албатта тўйингизга бориб, хизмат қиламан» деб туриб кетди.

Уч кундан сўнг тўй бўлди, фақат кутган ошна келмади, тўйни бош-

дик. Отахонимиз дўстига савол ташлади:

— Ошна, тани-жонинг соғми ишқилиб, намунча озиб кетдинг? Олдинги келбатдан асар ҳам қолмабди-ку...

Меҳмон бироз саросимага тушди-да, «ошна, шундай бўлиб қолди, кўй, бошимга тушган савдоларни сен сўрама, мен айтмай, ҳамроҳларинг кўрқиб-нетиб юрмасин яна» деди. Бобой бўлиб қолган бу кишиларнинг сенсираб гаплашиши бизга эриш туюлса-да, жимгина эшитиб турардик.

Ҳамроҳимиз ҳам бўш

Бир ҳафта ўтар-ўтмас ўғлим тилдан қолиб, шол бўлиб тўшакка михланиб қолди. Бунни кўриб тўрт тарафга зир югурдим, бормаган табибим, фолбиним, дўхтирим қолмади. Ҳеч ким аниқ гап айта олмади. Фарзанд учун ота-она ўзини ўтга-чўққа урар экан, ким нима деса қилдим. Бойловда молим, кўрада кўйим, катакда товуғим қолмади: итдай таландим. Қайси эшон, қайси мулла, қайси фолбин деса бордим. Кимдир далда бўлди, кимдир вазиятдан фойдаланиб мени тирик-лайн талади.

ёши катталарни огоҳ қилдим, ёрдам сўрадим, қаерда-а... Бунни эшитгач, улар боламнинг олдида кечаси-ку кечаси, кўрқанларидан кундузи ҳам киролмай қолишди.

Кун ботди дегунча хотин иккаламиз уйда сўппайиб қоламиз. Гап нимадалигини эшитмаган онаси ҳам қариндошларнинг бу ҳаракатидан ҳайрон. Охири кампир ҳам бўлаётган воқеадан хабар топиб, кечаси уйда ётолмай қолди.

Ҳамма нарса ўзимга қолиб кетди, тонг отгунча болам билан олишиб чиқаман, қарилик кундан-кун кучини кўрсата бошлади...

Ҳеч бўлмади, қарасам жондан азиз кенжатайимдан ажралиб қоладигандайман. Кечаси билан худога нола қилиб, мадад сўрайвердим...

Шу ерга етганда отахоннинг кўзларидан ёш оқиб туша бошлади, менинг ҳам кўнглим бўшаб кетди.

## ёқуд Боботоғ аждари

ламай охирги дақиқаларгача кутдим.

Тўйдан кейин икки-уч кун ўтгач ёш келинни қолдириб унинг олдида жўнадим. Ҳамма нарса турибди, фақат циркчилар йўқ, танишлардан суриштирдим. Уларни юқоридан келган хат туфайли тезда олиб кетишибди, дўстим фақат «мендан хафа бўлмасин» деб тайинлашга улгурибди, холос.

Уйга қайтар эканман, хаёлимда унинг гаплари, охирги суҳбатимиздаги ҳолати қайта-қайта гавдаланар эди. Жонини гаровга қўйиб қутқарган анави икки нокас ростини сўзлаганида балки у чинакамига бахтли яшармиди?

### СУВ ПАРИСИ

(Асаби заифлар ўқимасин...)

Бундан ўн йиллар аввал тақдир тақозоси билан хизмат сафарига чиқишимга тўғри келди. Орага оилавий можаро араляшди-да, бир-икки кун кечикиб манзилга етиб бордим. Шу боис ётоқхона масаласида муаммо чиқиб, ёши катталар орасига жойлашдим. Аммо бу кишилар билан тез кунда чиқишиб кетдик. Мендан бошқа ҳаммаси санъатдан хабардорлиги туфайли айтишувлар қизигандан-қизирди. Бундай шароитда вақт ўтганини ҳам билмай қолар экансиз. Шундай кунларнинг бирида қизик воқеа рўй берди. Кечкурун овқатларни ўтирган эдик. Ҳамроҳларимиз ичидеги кекса отахонни кимдир ташқаридан туриб чакирди. Ташқари қоронғу, чақираётган одамни кўриб бўлмасди. Шундай бўлса-да у бояги одам билан анчагина суҳбатлашиб қолди.

Бир пайт отахон меҳмонни хонага бошлаб кирди ва биз билан таништирди. Улар бир вақтлар қалин дўст бўлишган, бошқа-бошқа туманда яшаганлари учун кўпдан кўришмаган экан. Табиийки, бир пиёла чой баҳона ҳол-аҳвол сўраш-

келмади, гапни бошладим, охиригача айтасан деб туриб олди. Ҳаммининг диққати меҳмонга қаратилди.

— Ошна, ўзинг билган кенжа ўғлим тўйдан уч кун ўтиб ақлдан озиб қолди. Шу ўғлимга ўзим ҳам бошқача назар билан қарардим, қишлоқнинг олд қизини олиб бердим. Ўғлимнинг ҳам, келиннинг ҳам бир-бирларига аввалдан кўнгли бор экан. Тўйдан кейин учинчи кеча келиннинг уйдан чинқирган овоз эшитдим, уйқум ўчиб кетди. Вақт алламаҳал бўлган. Борай десам янги келин-куёв, бормай десам келин жон аччиғида ёрдамга чақирапти. Минг андиша билан хона олдида бордим. Ҳадеганда эшикни очишмагач, бузиб киришга тўғри келди.

Хонага кирдим турган жойимда қотиб қолдим. Ўғлим келинни шундай дўппослаганки, юзида соғ жойи қолмабди, қулоқларидан ҳам қон оқиб ҳамма томон қип-қизил бўлиб ётибди, бунинг устига сен жодугарсан, уймдан йўқол деб ваҳшийларча бақирар эди. Ўғлимнинг юзига қараб таний олмай қолдим, у телбаларча ҳаракат қилар эди...

Меҳмоннинг гапи шу жойга етгач мен беҳосдан бармоғимни пиёладаги иссиқ чойга тикиб олибман, сапчиб тушдим. Сал ўзимга келиб қарасам, қолганлар ҳам бири кўлида қошиқ, бири нон ушлаганча, бирови оғзидаги луқмани ютмасдан анқайиб қолган экан. Меҳмон айтган ҳодиса сафсата эмаслиги, ҳамма унинг гапларини ихтиёрсиз равишда тинглаётгани учун менинг ҳаракатимга ҳеч ким эътибор бермади.

— Шу кечани минг бир азоб билан ўтказдик, тонг отгунча ўғлимга сенники маъқул деб чиқдик ва келинни ота уйига қайтариб юбордик. Юрагимга гулгула тушди, кўнглимнинг кўчасидан нималар ўтмади дейсиз.



Кетган давлатимга ачинмайман, кенжа ўғлимни шундай яхши кўрар эдим. Югурганларимнинг фойдаси бўлмади, қариндош-уруғлар шивир-шивир қилиб ҳовлининг у ер-бу ерини жанозага тайёрлаб кўя бошлади. Жондан севган болам тўшакда менга мўлтираб қараб ётибди, адоий тамом бўлдим.

Шундай кунларнинг бирида ярим кеча кўзим илинибди, бир нарсадан сесканиб уйғониб қарасам... тўшакда шол бўлиб ётган болам эшик томон аста-аста силжиб борапти. Уйқум ўчиб кетди, чарчаганимдан шундай туюлгандир деб яна жойига тўғрилаб ётқизиб қўйдим, бир пайт яна шу ҳолат такрорланаяпти. Энди олдинги минг азобга буниси кўшимча бўлди. Ҳўрознинг сахардаги қичқиршигача бу ҳолат кундан-кун кўпайиб такрорланаверди. Чидаб туролмадим, олдин бошқа фарзандларимга, қариндошларга кўрқиб қолишмасин деб айтмай юрдим. Охири чарқок мени енга бошлагач, кечаси бўлаётган воқеадан

— Шунақа аҳвол неча кун давом этди, билмайман, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Ёдимга қишлоғимиздаги энг кекса кўшнуч момога бориш фикри келди. Охирги умидда унинг олдида бордим, ҳамма воқеаларни оқизмай-томизмай сўзлаб бердим. Момо ҳаммаси яхши бўлиб кетади деб анча далда берди. Бироз ўзимга келганимдан кейин, ўғлимнинг энг яқин ўртоқларини олдимга олиб келинг деб тайинлади. Шу куннинг ўзида икки ўртоғини момонинг олдида олиб бордим. Уларни менинг олдимда гапга сола бошлади.

— Бу кишининг ўғли ўлим талвасасида ётибди, бола омон қолсин десангиз кўрқмасдан ростини сўзланг, — деб гапида туриб олди.

Улар кўрқиб-кўрқиб бир-бирининг гапини тўлдирди, ҳаммасини айтиб беришди.

(Давоми бор).

Мурод ЛОЛАХОНОВ,  
Узун туманидаги  
27-мактаб ўқитувчиси

# «Мен — ёшликман» танловига



**Зебо Кутлиева**  
1985 йил Навоий вилояти Қизилтепа тумани Сарой қишлоғида таваллуд топган. Шеърларга илҳами анча эрта бошланган. 2004 йил Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, 2008 йилда уни муваффақиятли тугатди. Унинг шеърлари «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент ҳафтанома», «Оила ва жамият», «Ёшлик», «Шарқ юлдузи» каби газета ва журналлари орқали сизга таниш. Дарвоқе, Зебохон Зомида яқинда бўлиб ўтган ёш ижодкорлар мушоирасидан бир олам ижодий тўлқинланишлар билан қайтди. Айни дамда у Навоий вилояти «Дўстлик байроғи» газетасида фаолият юритаётир.

## ШОНЛИ ШИЪАКЛАРИ

Дугоналар қўлимизда дутор олиб,  
Куй чалайлик ошиқ диллар ором олсин.  
Субҳи шамол овозимиз кўкка этиб,  
Ёйиб келса, эшитмаган доғда қолсин.

Дугоналар, қўлимизда оқ гул билан  
Кезинайлик, сахар гўзал бир кўш бўлиб,  
Бизга пешвоз чиққан юзлар ёруғ бўлсин,  
Кўрмагани қолаверсин беҳуш бўлиб.

Дугоналар, қўлимизда оқтин қалам,  
Шеър ёзайлик қўшиб унга дил нозини,  
Ўқиганда тинсин суварлар бир лаҳзага,  
Жарангласин ютиб қушнинг овозини.

Дугоналар, қўлимизда ол рўмолча,  
Жилволаниб турсин унда ишқининг акси.  
Тақдир бўлса узатайлик меҳр билан,  
Кафтларини куйдирсин ўт-алангаси.

Дугоналар, кўл очайлик дуога деб,  
Токи юрган йўлларимиз нурга тўлсин.  
Биз термулган чўллар гулу гулзор бўлиб,  
Бу гулзорнинг бир ёзиғи Меҳр бўлсин.

## ВАТАН ДЕСАМ — АНГЛАЙМАН ЎЗНИ

Эркин-эркин учган қушнинг қанотидан  
Чугурлашиб тонга айтган баётидан,  
Ватан, сени англайман боғлар аро  
Капалакнинг шу бир кунлик ҳаётидан.

Ўғит билдим, боболарим сўзларини,  
Қаратмай деб, ерга нурли юзларини,

Ватан, агар улар суйган тупроқ бўлсанг,  
Кучиб етай босиб ўтган изларини.

Назм билдим, булбул кўнган гулини ман.  
Назм билдим, чумолининг йўлини ман.  
Назм аро Ватан билдим, кўриб ҳатто  
Момоларим чолма тиккан қўлини ман.

Таъзим қилдим эрлик аён байроғига,  
Меҳр гарққа пишиб ётган чорбоғига.  
Онам дея эркаланиб кириб бордим,  
Ватанимнинг кенг очилган кучоғига.

Кўзлар аро макон қилиб ҳар юлдузини,  
Ватан деса, англай олар одам ўзни,  
Кел биродар, то сўнгги дам қизганайлик,  
Юртдан пайдо айтар битта сўзимизни.




**Андижонлик ижодкор Икромжон Мансуров (Аслий)**  
1983 йили Найман қишлоғида туғилган. Ҳозир Андижон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини таҳсил олмоқда.

Икромжон ёшлигиданоқ Навоий, Бобур, Фузулий каби мумтоз шоирлар ижодини кўнгил билан ўрганган. Улар таъсирида ўзи ҳам шеърлар машқ қила бошлаган. Улар республика ва вилоят матбуотида тез-тез босилиб туради.

«Тонги сабо», «Андижон чашмаси» шеърини тўпламлари муаллифи, 2004 йили чоп этилган «Андижон ёзувчи ва шоирлари» баёзига ҳам шеърлари киритилган. Уйғур ва қорақалпоқ шоирларининг қатор шеърларини ўзбекчага таржима қилган.

Икромжон республика ижодкор ёшларининг аънавий Зомин анжуманида иштирок этиб, бош соврин соҳиби бўлди. Биз порлоқ кунлар умидида тинимсиз изланаётган бу ижодкорга улкан муваффақиятлар тилаб, унинг ижод намуналарини «Мен — ёшликман» танловига тақдим этаёلمиз.  
Наби ЖАЛОЛИДДИН



## ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

Бўлиб ошно ха, лингга, яна келдим, яна келдим,  
Етишсам деб висолингга яна келдим, яна келдим.  
Узун, осуда тунларда ҳилсол кўнглим ололмас ҳеч,  
Талпиниб кўш ҳилолингга яна келдим, яна келдим.  
Сафоли сўзларинг тинглаш саодатдир, суюкли мох,  
Кўнгли зор хуш мақолингга, яна келдим, яна келдим.  
Ададсиз ташналик етди фироқинг даштира, охир,  
Қонай деб лабда болингга яна келдим, яна келдим.  
Фақат дийдор улуг матлаб, ўтирсам бирга соатлаб,  
Тагин олма малолингга, яна келдим, яна келдим.  
Тушимда тунлари зоҳир эди, ўнгимда кўрсам деб,  
Жамоли безаволингга яна келдим, яна келдим.  
Дариг тутма бу Аслийдан меҳр, лутфингни, эй дилбар,  
Етишсам деб висолингга яна келдим, яна келдим.

## ИШҚ ҲОЗИҒАСИ

«Навбатим он йил фарғунду»  
Мирзо Абдуқодир Боди

Севгилим!  
Яхшиям ўзинг бор дунёда,  
Чақнаган кўзинг бор дунёда,  
Малҳамдай сўзинг бор зинда,  
Бошқа ҳеч бир бойлик керакмас  
Мен учун!  
Чорласанг борайин пилда,  
Ҳаммани тенг доғда қолдириб,  
Қайғуни қирғоқда қолдириб,  
Меҳрингни қароқда қолдириб,  
Чиқсанг сен тенгсиз ноз-орада!  
Тўқилсам пойингга, тиз чўқсам,  
Шарт суриб бир четга гурури,  
Ҳис этсам илоҳий сурури,  
Эгдириб сендек бир мағрури,

Ҳайқирсам:  
— Бахтисан, маликам!  
Пойингни мен тавоф айласам,  
Жойлансам жонингга,  
Жисмингга,  
«Гул» қўшиб сеҳрли исмингга,  
Майлига, тортсанг ҳам,  
Измингга,  
Юз минг йил  
Юқунсам ҳуснингга,  
Арзийди, ахир сержозиба,  
Муқаддас севганинг арорин ўргатдинг.  
Кўнглингга,  
Жонга йўл кўрсатдинг,  
Ўртадинг,  
Қайнатдинг ҳисларим,  
СЕН энди мангуга МЕНИКИ бўлгайсан,  
МЕН энди мангуга СЕНИКИ бўлгайман,  
СЕВ-ГИ-ЛИМ-М-М-М...

## ИККИ ОРОЛ

Севгилим!  
Биз икки оролимиз, беғуноҳ, бекек,  
Кўксиде милён хил гилё-гул гуллаган,  
Ёнма-ён,  
Жонажон,  
Иштихон қилмоқда табиат бизларни.  
Ёмғирлар йўллайди гоҳда,  
Довулларга йўлқитирар гоҳ.  
Орамиз яқину, аммо ўртада  
Дарб бор — саёзроқ, тезоб.  
Тақдир дерлар дарбнинг отин.  
Сен юз йил худого ёлворсанг,  
Ёлворсам мен юз йил худого,  
Бирлаштирармикан бизларни?!



Луғатларда идеал сўзи камолот, мукамаллик намунаси; айрим шахс, гуруҳ, табақа ва жамият интилувчи олий мақсад сифатида таърифланади. Шунга кўра жамиятимиз интилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти гоёси ҳам Ўзбекистоннинг ўзига хос олий мақсадларидан бири, идеали десак, муболага бўлмайди.  
Бу мақсадга эришишда ўрнатилган арзийдиган инсонларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.  
Инсон онгида идеал нисбий-хаёлий тарзда шаклланади. Китоб қаҳрамони, кино юлдузи, бирон буюк шахс, баъзи одамлар (ота, она, устоз...) ёки улардаги фазилатлар ҳам

идеални ташкил қилиши мумкин. Мисол учун ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг асарларидаги қаҳрамонлар неча-неча авлодларга ибрат бўлди ва ҳанузгача қадрини йўқотмаган.  
Шу билан бирга, бугун ёшларимиз

## БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

### ёки биз интилаётган идеаллар

орасида нега ана шу Отабек-у Кумушлар, Анвар-у Раънолар камайиб кетаяпти деган фикрлар пайдо бўлмоқда. Балки, тўғридир. Лекин масаланинг яна бир жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, ҳозирги ёшларга, бизнингча, ҳаётда мавжуд бўлган аниқ тимсоллар даркор. Орамизда шундай инсонлар борми?  
Албатта. Бир мисол. Ҳамюртимиз Мухаммадқодир Абдуллаевнинг Сид-

ней олимпиадасидаги оламшумул зафари, Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги барчамизнинг ёдимизда. Бу ғалаба ёшларни руҳлантириб юборгани ҳам бор гап. Мамлакатимизда бокс ва шахмат ишқибозлари кескин кўпайганли-

ги бу воқеа жамиятимизга кучли таъсир қилганидан далолатдир.  
Самарқанд шаҳрида ташкиллаштирилган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалини оладиган бўлсак, у илк бор ўтказилганида ватандошимиз Муножот Йўлчиевнинг ғалаба қозониши ва ҳозирга қадар ҳамюртларимиз ижросидаги қўшиқлар фестивал қатнашчилари, меҳмонларида чуқур таассурот қолдира-

ётгани ёшларимиз нигоҳида ҳавас учкунларининг пайдо бўлишига сабаб бўлаяпти. Бу ҳам идеалнинг мавжудлигига бир далил.

Илм-фан соҳасида ҳам ёшларимиз халқаро симпозиум, конференцияларда қатнашишга, олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлмоқда. Айни пайтда буюк боболаримиз ҳам илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшганини эслатиб ўтиш жоиз. Мана шундай инсонларга эргашининг ўзи катта гап.

Шу ўринда юртбошимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт» деган даъвати ҳам, бизнингча, идеал авлодни воёга етказиш зарурлигига ишорадир. Бунинг учун эса фарзандларимизга юқоридаги каби идеалларни кўрсатиб қўйиш мақсадга мувофиқ эмасми?

Мирзохид ЭШМАТОВ,  
Андижон давлат университети талабаси

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА  
УЮШМАСИ КЕНГАШИ**



*Меҳнаткаш халқимиз ва  
шармоқ ходимларини улуғ  
байрам билан ён дилдан  
муборакбод этади.*

*Баргамизга эзгулик,  
самимийлик, омад ҳамда  
зафар ёр бўлсин!*



# СПОРТЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

**Мамлакатимиз боксчилари Хитой пойтахтида давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида мухлису мутахассислар ишончини оқламоқда.**



Тўртинчи кунги беллашуларда икки ҳамюртимиз кейинги босқичга ўтди. 51 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Тўлашбой Дониёров Кения вакили Бернад Ирунгуни 10:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Ўзбекистон бокс бўйича дунёдаги энг кучли мамлакатлардан ҳисобланади, — дейди Б.Ирунгу. — Тўлашбой билан илгари ҳам рингга учрашганман. Бу гал у бутунлай янгича тактика қўллаб, юксак маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини намойиш қилди.

Бокс бўйича 54 килограмм вазн тоифасида дастлабки жангини ўтказган 19 ёшли ҳамюртимиз Хуршид Тожибоев ўзидан ўн тўрт ёш катта — Германия спортчилари сафида тушган Рустамхўжа Раҳимовни енгди. Афина Олимпиадаси совриндори бўлган германиялик боксчи Хуршиднинг тезкор

ҳамда кучли зарбаларига дош беролмади ва 2:11 ҳисобида мағлуб бўлди.

Ўзбекистон спорт делегацияси таркибида ёш спортчиларнинг кўплиги юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан улкан эътибор қаратилаётганининг самарасидир, — дейди Хуршид Тожибоев. — Халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш фарзандлик бурчимиздир. Юртбошимиз ва халқимиз бизни қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилиб турибмиз.

12 август куни яна бир спортчимиз — жаҳон чемпиони Дилшод Орипов юнон-рум кураши беллашувларида сербиялик Давор Штепанекни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,  
ЎЗА махсус муҳбири.**

## «Профи-бокс»

Яқинда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзги томошагоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб профессионал бокс кечаси ташкил этилди. Дастлаб мухлислар қизиқарли рейтинг жанглирига гувоҳ бўлишди.

«Биллур» клуби аъзоси Фирдавсий Режаматов қирғизистонлик Дилдор Хожиматовни мағлуб этган бўлса, яна бир «биллур»чи Бахтиёр Зокиров «Динамо» жамоаси аъзоси Артур Нормуротов устидан яққол устунлик билан ғалаба қозонди.

91 кг вазн тоифасида рингга чиққан Икром Саидов («Биллур») ва динамочи Аваз Рустамов жангида 3:0 ҳисобида Рустамовнинг қўли банд келди.

57 кг вазн тоифасида қозоғистонлик Алмаз Асанов ва «Биллур» аъзоси Лазиз Боймуродов

## «БИЛЛУР»НИНГ ЧАРОҒОН ЗИЁСИ

бахсининг иккинчи раундида Лазиз рақибини техник нокаутга учратди.

Юртимиздаги янги профессионал бокс клуби бўлмиш «Golden glove» аъзоси Равшан Худойназаров ҳам фарғоналик рақибни Улуғбек Аҳмедовни дастлабки раундлардан оқ мағлуб этди.

Файрат Аҳмедов («Биллур») ва россиялик Юрий Лунев жангида ҳам ҳамюртимизнинг қўли банд келди: биринчи раунд, аниқ зарба ва техник нокаут.

Бокс кечасининг энг қизиқарли жанглиридан бири энгил вазнда (61, 235 кг) «Биллур» клуби аъзоси Беҳзод Набиев ҳамда «Ринг» клуби вакили Мақсуд Жумаев ўртасида Ўзбекистон



чемпионлиги унвони учун бўлиб ўтди.

Хар иккала боксчи ҳужумга ўтиш ва ҳимояланиш борасида анча тажрибали эканлигини кўрсатди. Бироқ Беҳзоднинг 6-раундда берган бир қатор аниқ зарбаларидан сўнг Мақсуднинг секундантлари жангни тўхтатишга қарор қилишди.

Юртимизда профессионал бокс бўйича бундай мусобақаларнинг тез-тез ўтказилиши спортчиларимизга иқтидорини намойиш этиш имконини берибгина қолмай, бокс клубларининг ривожига ҳам хизмат қилади.

**Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» муҳбири**

## Ташрифнинг фойдаси катта бўлади

**Хабарингиз бор, яқинда Каталониянинг «Барселона» клуби президенти Хоан Лапорта Ўзбекистонга ташриф буюрди. Унинг ташрифи «Бунёдкор» (собик «Қурувчи») ҳамда «Барселона» клубларининг икки томонлама ҳамкорлиги доирасида амалга оширилди.**



Жаноб Лапорта ташрифи чоғида УФФ президенти Мираброр Усмонов билан учрашди ва улар Ўзбекистон футболни ривожлантириш борасида бир қанча масалаларни муҳокама қилишди.

Учрашув чоғида Мираброр Усмонов ҳурматли меҳмоннинг ташрифидан хурсанд эканлигидан билдириб, Лапортани қисқача ўзбек футболининг бугунги ҳолати билан таништирди.

Бизнинг «Бунёдкор» билан ҳамкорлигимиз узоқ давом этишига ишонаман. Бунинг учун биз ҳамма имкониятларимизни ишга соламиз, — деди Лапорта ўз навбатида.

Сеньор Лапорта федерациямиз президенти «Барселона» либоси ҳамда клубнинг тарихий сувенирларини тўхфа этди. Совғалар орасидан, шунингдек, машҳур «Ной Камп»нинг кичик макети ҳам ўрин олди.

Куннинг иккинчи ярмида Каталониядан келган делегация «Бунёдкор»нинг янги барпо этиладиган спорт мажмуаси пойдевори раамзый маънодаги дастлабки гиштни қўйиш тадбирида иштирок этди. Маросимда ушбу спорт иншоотининг «Бунёдкор» номини олиши ҳам эълон қилинди. Режага кўра, мажмуа қурилишига 150 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланади.

90-йилларда ўзбек футболда ўзига хос ўйин кўрсатган ҳужумчи Азамат Абдураимов энди мурабийлик соҳасида ўз омадини синая кўради. У Москвадаги мурабийлар олий мактабини битирди, мақсуд мамлакатда ишлади.

Айни пайтда Ўзбекистонга қайтган футбол юлдузи бир гуруҳ мухлисларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

**Ўзбекистон терма жамоаси 2010 йили ЖАРда ўтадиган жаҳон чемпионатида чиқа оладими?**

— Терма жамоамизда яхши имконият бор, чунки бизнинг гуруҳ унчалик кучли эмас. Лекин йиғитлардан бир бош банд ўйнаш талаб этилади. Жамоа уюшиб ўйнаши, мурабийнинг барча кўрсатмаларини бажариши лозим. Бизда Максим Шацкихни ҳисобга олганда яққол суперюлдуз йўқ. Демак, жамовий ўйинни шакллантиришга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

**Бугунги кунда Россия премьер-лигасида тўп сураётган ўзбекистонлик футболчилар унчалик кўп эмас ва борлари ҳам майдонга кам тушиляпти. Бу Россия футболининг анча ўсганидан далолат берадими ёки...**

— Дарҳақиқат, биринчи навбатда Россия футболининг савияси ўсганини таъкидлаш лозим. Жамоалардаги ўйинчилар орасида жиддий рақобат вужудга келган. Яна бир жиҳат борки, Россия футбол иттифоқи легионерлар сонини қискартириш сиёсатини қўлаяпти. Шунга кўра, Россия премьер-лигасида фақат юқори савиядаги легионерларгина тўп суриб кета олиши мумкин ва шу сабабдан ҳам бизнинг футболчилар 90-йилларга қараганда Россия клубларига камроқ кўшилишляпти. Лекин бу бизда Россияда ўйнаб кета оладиган футболчилар йўқ, деган маънони билдирмайди. Асосийси, футболчимизнинг рус ўлкасида ўз клуби ва мурабийини топа олишида. Масалан, Жаъфар Ирисметов. У Москванинг «Спартак» жамоасида кўнгилдагидек ўйнаб кета олмади. Бу унинг ёмон ўйинчилигидан эмас, балки Романцевнинг ўйин услубига мос тушмаганидан далолат. Агар Жаъфар «Торпедо» ёки «Динамо» таркибига қўшилганида, жамоа ўйинини кучайтириши мумкин эди.

**Сизнингча, Ўзбекистон терма жамоаси қандай услубда тўп суради?**

— Жамоа ўйинларида бир неча услубни кўриш мумкин. Албатта, осийликларга хос ҳаракатлар йўқ эмас, лекин биз 80-90 йиллар футбол мактаби тарбияланувчиларимиз. Демак, Европа футболни ҳам бизга бегона эмас. Техника, тактика бор ва энг муҳими, баъзи «осийликларга хос хислатларсиз» жамоа. Буни сақлаб қолиш даркор. Чунки илгари бу бизга фойда келтирган ва ишонаманки, яна фойда келтиради.

**— Это'Онинг «Қурувчи» («Бунёдкор»)га ўтиши ҳақидаги миш-мишлар ўзбек футболга фойда келтирадими ёки зарар? Чунки энди кўпчилик кучли ўйинчиларни Ўзбекистонга олиб келишимизга ишонмай қолиши мумкин-ку?**

— Это'Одек футболчини жамоага таклиф қилишгани жуда яхши бўлди. Кўпчилик мутахассис ва мухлислар ўзбек футболни ҳақида



## Азамат АБДУРАИМОВ: «ИНИЛЕЕВ — ТЕРМАМИЗГА МУНОСИБ МУРАББИЙ»

билиб олишди ва бунинг учун камерунлик футболчининг «Қурувчи»га ўтиши ҳақидаги ахборотнинг ўрни каттадир. Шахсан мен унинг «Челси» ёки бошқа Европа гранд жамоаларидан кўра, «Қурувчи»ни танлашига унчалик ишонмаганим. Лекин «Барселона» аъзоларининг Ўзбекистонга келиши ўзбек футболни учун муҳим реклама бўлди.

**— Сиз Россияда ишладингиз. У ерда Ўзбекистон терма жамоасининг навбатдаги жаҳон чемпионатида чиқишига қандай қарашмоқда?**

— Россияда ҳеч ким ҳамдўстлик давлатлари футболни алоҳида бир эътибор билан қузатмайди. Лекин терма жамоамизни минтақадаги кучли жамоа сифатида билишди ва унинг натижаларига эътибор беришди.

**— Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида чиқиши учун қандай мурабий зарур, деб ўйлайси?**

— Бизда Инилеев б лан гуруҳдан чиқиш имконияти бор. Ҳар доим ҳам натижа фақат мурабийга боғлиқ бўлмайди. Тушуниш керак, мурабий бизнинг ўрнимизга ўйнай олмайди.

**— Агар ўзига хос Марказий Осиё премьер-лигаси тузилса ва унда минтақанин энг кучли жамоалари иштирок этса, бу терма жамоаларнинг ҳам кучайишига хизмат қилмайдими? Масалан, Тожикистон ҳам Ўзбекистон сингари жаҳон чемпионатида чиқиш учун кураш олиб борармиди?**

— Чемпионатнинг кучлиги албатта, терма жамоага таъсир қилади ва аксинча. Албатта, сиз айтгандек чемпионат ўтказилса, бунда клублар ўртасида кескин курашлар юзага келарди ва терма жамоалар ҳам кучайиши мумкин бўларди. Лекин бу гоёнинг амалга ошишига ишонмайман.

**— Нима деб ўйлайсиз, Рауф Инилеев Ўзбекистон терма жамоасига муносиб мурабийми? Унинг мурабийлигида кўзланган мақсадга эриша оламизми?**

— Ўйлайманки, у термага муносиб ва буни ўз иши билан исботлаяпти. У билимли мутахассис. Инилеевга омад тилайман.

**— Доҳада Қатар ва Тошкентда Австралия термаларига қарши ўйинда қандай натижа қайд этилади, деб ўйлайсиз?**

— Олдиндан башорат қилишни ёқтирмайман. Бу хайрли иш эмас. Мутахассисларнинг фикрича, бизнинг гуруҳда кураш Япония, Австралия ва Ўзбекистон термалари ўртасида боради. Лекин мен араб жамоаларига жиддий эътибор бериш лозимлигини таъкидламоқчи эдим. Улар ўз уйларида яхши ўйин кўрсатишини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу жамоалардан йирик ҳисобда усту келолсагина гуруҳдан чиқишга даъвогарлик қила оламиз.

**— Асрор Аликулов терма мизнинг асосий марказий ҳимоячиси. Бироқ у ҳам баъзан хатога йўл қўяпти. Аликуловнинг ўрнида ким тўп суриши керак, деб ўйлайсиз?**

— Миллий чемпионат ва терма жамоа ўйинларини кам кўрганим учун бу саволингизга аниқ жавоб бера олмайман.

**— Сизнингча, ҳужум чизигида Максими Шацких билан ким яхши жуфтликни ташкил эта олади?**

— Бу мурабийларнинг қандай тактика танлашига боғлиқ. Баъзан шундай тактика танланадики, унда Максимининг ёлғиз ҳаракатланишига тўғри келади.

**— Азамат ака, ҳозирги терма жамоа ва 1994 йилги Хиросимада зафар қозongan термини таққослаш оласизми?**

— Яна қайтараман, мен Ўзбекистон терма жамоасини унчалик яхши билмайман. Қайсидир жиҳатларини кўрганман, қайсиларинидир билмайман. Аммо биламанки, бугунги терма жамоа кучли тузилган. Бугунги терма миз аъзоларида ўзини кўрсатишга катта имконият бор. Бунинг учун улар жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўл олишлари лозим.

# «ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚўМИТАСИ

*Мамлакатимиз фуқароларини ва барча касбдошларни  
Истиқдол айёми билан қўтлайди ва мазкур сиҳатгоҳда  
дам олиб, даволанишга чорлайди.*



Санаторий Фарғона шаҳридан 32 км узоқликда, Қатран-Тау тоғ тизмаси ёнбағрида, Олтинсой дарёси водийсида жойлашган бальнеологик курортдир.

Даволаш омиллари — минераллашган олтингугурт-водородли маъданли сувларда ванна қилиш, чайиш ва душга тушиш, шунингдек, сульфат-гидрокарбонат-натрийли кучсиз минерал сувлар ичиш. Ба-ликли кўлининг шифобахш балчиғи эса аппликация ва галвано-бал-чиқ усулида бериледи.

Даволаш учун кўрсатмалар: асаб тизими, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари ва гинекологик, урологик касалликлар.

Ётоқ бинолари бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат. Ало-ҳида бинода болалар ота-оналари билан даволанишлари мумкин.

Сиҳатгоҳда бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган даво-лаш-ташхис кўйиш хоналари, физиотерапия, даволаш жисмоний тар-бияси, уқалаш, психотерапия, лазеротерапия, парафин-озекерит, фи-тотерапия ва парҳез овқатланиш соғлиқингизни тиклаш мақсадла-рида қўлланилади.

Даволаш масканида ошхона, маданият саройи, кутубхона, рақс ва спорт майдончалари, алоқа бўлими, сартарошхона ишлаб турибди. Экскурсиялар уюштирилади.

**Манзилимиз: Фарғона вилояти,  
Фарғона тумани, «Чимён» санаторийси.  
Телефакс: 8(373)3523561**

*Бизнинг санаторийимизга ҳузур келибсиз!*



## Кучуклар ҳам клонлаштириладими?

Ўзи боқиб ўстирган хайвонга кишининг ўрганиб қолиши табиий ҳол, албатта. Кўпчилик кучуги ёки мушугига ўзининг энг яқин дўстидек суяниб қолади (ҳар ҳолда бу хусусият бизнинг миллий хусусиятларимизга сингиб кетмаган). Жорий йилнинг феврал ойида тўрт оёқли дўстининг «айрилиги»га чидай олмаслигига кўзи етган 57 ёшли америкалик аёл клонлаштириш билан шуғулланувчи олимларга мурожаат этди. Унинг илтимосига кўра Беджер (итнинг лақаби шундай эди)ни клонлаштиришлари керак эди. Мижоз буюртмасига кўра, итнинг ўлимидан бир ярим йил олдин кулоқ қисмидан олинган хужайралардан 78 эмбрион ўстирилди. Бу эмбрионлар «сунъий» она вазифасини бажарувчи бешта ит организмга жойлаштирилди. «Она»ларнинг иккитасигина кучукларни дунёга келтира олди.

Бу янгилик ўтган ҳафта эълон қилинди. Кучукларнинг ҳар бири Беджерга икки томчи сувдек ўхшайди. Бу Бернанд Маккиннинг хотиржамлигига сабаб бўлди. Ахир, бу унинг энг асосий хоҳиши эди-да! RNL Bio раҳбари Ра Жонг Чана маълумотига қараганда, тажриба қиймати 150 минг АҚШ долларини ташкил қилади.

— Итимни клонлаштириш шунчаки инжиқлик ёки ахлоқона хоҳиш эмас, — дейди Маккини. — Беджер менга ҳар доим кўмаклашарди: эшик калитини бурашда, кир ювиш машинасидан ювилган нарсаларни олишда, музлатгични очишда, пайпоқларимни ечишда. Мендек ногирон одам учун у энг яхши ёрдамчи эди.

Ра Жонг Чана фикрича, Беджернинг клонлари ҳам шу ишларни бажара олиш имкониятига эга. Қолаверса, тажрибанинг бу ютуғи компаниянинг яна кўплаб шундай тижорат таклифларини олишига сабаб бўлади. Келгуси йили RNL Bio деярли 100 та итни, кейинчалик эса йилига 300 тагача хайвонларни клонлаштириши мумкин.



— Шундай денг, ҳамсоя...

## Шекспир асарлари илк марта қайси театрда қўйилган?

Британ тадқиқотчилари Уильям Шекспир асарлари илк марта сахналаштирилган театр қолдиқларини аниқлашди. Бу маскан соддагина, яъни «Театр» деб номланган. Ёдгорлик ўрта асрдаги Лондон чегараларидан шимол тарафга томон олиб борилаётган археологик қазилар ишлари жараёнида тасодифан топилди. Тадқиқотчилар «Театр»нинг гиштдан қурилган пойдеворига қараб, уни 16 асрда қурилган деган ғояни илгари суришмоқда. Тарихчилар таъкидлашганидек, айни шу театр сахнасида буюк драматург ўз асарларини сахналаштирган ва оммага тақдим этган.

Лондон археология музейи кенга археолог Жо Лайоннинг сўзларига

кўра, бу топилма «сўнгги йиллардаги мислсиз археологик кашфиётдир». Қолаверса, Шекспирнинг драматург сифатида шаклланиш жараёнини ёритишда Темзанинг жанубий қирғоғида жойлашган «Глобус» билан чамбарчас боғлиқ бўлган «Театр»нинг ҳам аҳамияти катта.

«Театр»да даставвал «Ромео ва Жульетта» ҳамда «Ричард III» пьесалари намойиш этилган. 1599 йилда «Театр» парчаланиб кетади ва Темзанинг жанубий қирғоғига кўчириб ўтказилади, шу асосда «Глобус» театри ташкил этилади. Унинг ташкилотчиларидан бири Шекспирнинг ўзи бўлади. «Глобус» 1613 йили «Генрих VIII» спектакли намойиши вақтида ёниб кетади.

## Изоҳи сиздан...



Сичқону каламушга  
Роса тўйиб олибман.  
«Вискас»га ҳам қарамай,  
Эвоҳ, ухлаб қолибман.


Тунги саёқ юришлар,  
Роса ҳолдан тойдирди.  
Овқатга ҳам йўқ тоқат,  
Уйку йўлдан оздирди.

Сув, деб билмай «водка»ни  
Роса тўйиб отибман.  
Оқибатин кўрдингиз,  
Тошдек қотиб ётибман.

Сичқон овлаб чарчадим,  
Ёздан бошлаб то қишга.  
У йўқ пайти хўжайин,  
Мажбур мени боқишга.

Роса ҳолдан тойибман,  
Бир кун қолиб тушлиқдан.  
Тўйгунимча емасам,  
Ўлармидим очликдан.

Нуриддин НОРМУРОДОВ, Ҳамза тумани



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

## Миллажамал байрам

(18-24 август)

**Ҳафта бошида ҳамкорингиз билан муносабатингиз биров чигаллашади.** Чоршанба ва пайшанба кунлари фаолиятингиз жадаллашади. Тўри қарорлар қабул қилишингиз муваффақият келтиради. Жума кuni кечқурун бассейнга борсангиз хузур қиласиз. Дам олиш кунлари севимли кишингиз билан бўлинг.

**Ҳафта бошида молиявий ишларингизда қийинчиликлар учрайди.** Шунинг учун душанба, чоршанба, пайшанба кунлари шартнома тузманг. Зарур ишларингизни шанбага қолдиринг. Оилангизга доир қарорларни фақат яшанба кuni амалга оширинг.

**Бу ҳафтада муҳаббатда ва ижод соҳасида омад сизга қолиб боқад.** Сешанбада илм олиш билан шуғуллангиз. Чоршанба кuni ҳомийларингиз сизга ёрдамга келади. Жума кuni янги шартномалар тузманг эскиларини қайта кўриб чиқинг. Яшанбада қабул қилган қарорингиз келажакка ижобий таъсир қилади.

**Ҳафта ҳаяжонли кечади.** Ҳаётингизни барча доирасида турли воқеалар, ранг-баранг хисларга бой дақиқалар қуршовида қоласиз. Чоршанба кuni нозик руҳий кечинмалар билан шуғулланишга тўғри келади. Шанба кuni эса саёҳат қилишни кўмасб қоласиз. Шу кунларда электр асбоблари билан ишлашда эҳтиёткор бўлинг.

**Ҳафтанинг дастлабки икки кунда руҳий кўтаринчилик рўй беради.** Сешанбанинг иккинчи ярмида кишилар билан ёқимли мулоқотга киришасиз. Чоршанба кунда севимли кишингиз билан муносабатингиз ўзгаради. Яшанба кuni муҳим қарор қабул қилишда бугун маъсулиятни ўз бўйингизга олинг.

**Ҳафта бошида молиявий ишларингизда муҳим ўзгаришлар рўй беради.** Яшироқ буюм харид қилишингиз мумкин. Чоршанба кuni ҳамкорларингиз билан шартнома тузишда жуда эҳтиёткор бўлинг. Шу кuni ҳеч нарса харид қилманг. Жума кuni сиз билан рақобат кучади.

**Ҳафтанинг биринчи ва иккинчи кунлари фақат сизнинг ихтиёрингизда бўлади.** Чоршанба кuni молиявий ишларингизни бажарманг, сизни тўғри тушунишмайди. Кейинги кунлари мулоқот доиранингиз кенгайди. Дам олиш кунлари истиқболли иттифоқлар тузасиз.

**Соғлигингизга алоҳида эътибор беринг.** Суружали касаллигиз кўзгаб қолиши мумкин. Иш жойингиздаги вазият ҳам эътиборингизни жалб қилади. Чоршанба ва жума кунлари сиз учун қулай. Шу кунлари ўзингизни яхши ҳис қиласиз. Жума кuni гайратингиз тўлиб-тошади. Ташаббус билан ишланг. Дам олиш кuni ишингизга доир ва масъул қарорлар қабул қилсангиз бўлади.

**Бу ҳафтанинг бошида ҳаёлингизни севилгингиз ва дўстларингиз банд этади.** Умуман бу ҳафтада сизни ёқимли воқеалар кутмоқда. Айниқса, дам олиш кuni жуда қулай имкониятлар туғилади. Жума кuni спорт билан шуғулланишни унутманг. Дам олиш кунлари болаларингиз билан саёҳатга чиқинг.

**Бу ҳафтада уйдаги ва ишдаги таъшиларингиз ортади.** Душанба кuni ҳамкорларингиздан узоқлашманг. Бирон бир масалани ҳал қилишда албатта ақлингизга суянинг. Уришганларингиз билан ярашинг, низо чикарманг. Дам олиш кунлари оилавий муносабатларда муҳим қарорлар қабул учун қулайдир.

**Бу ҳафтада илм ўрганиш ва халқаро масалаларингизни ҳал қилиш учун қулайлик туғилади.** Ҳафта ўртасида севимли кишингиз билан эрталарга хос ўзал вазият яратинг. Нозиклик билан у ҳақда гапхўрлик қилинг. Тадбиркорлик соҳасида ҳам кўркмасдан андозасиз ҳаракатлар қилаверинг.

**Ҳафтанинг бошида молиявий ишларингизни осонлик билан ҳал қиласиз.** Бу соҳада ҳал қилган масалаларингиз самарали ва харидингиз баракали бўлади. Жума кундан бошлаб спорт билан шуғуллангиз. Дам олиш кунлари қабул қилган қарорларингиз ҳаётингизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

<b>Ishonch</b> <b>МУАССИС:</b> <b>Ўзбекистон</b> <b>касаба</b> <b>уюшмалари</b> <b>Федерацияси</b>	<b>Бош муҳаррир</b> <b>Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ</b>	<b>Бизга кўнгиروق қилинг:</b> <b>Котибият:</b> 256-52-78 <b>Хатлар бўлими:</b> 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	<b>Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев</b> <b>Навбатчи - А.Абдиев</b> <b>Мусаххих - Ш.Абдусаматов</b>
	<b>Тахрир ҳайъати:</b> Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳад Содиқов, Нормамат Алябров, Носирхон Аҳбаров, Ойсулуу Нафасова, Паринқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаева, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ҳ белгиси остида чоп этилади.	Буюртма Г—714      Тиражи: 11364 Босишга топшириш вақти - 21.00 Тошқирилди - 19.40
Сотууда эркин нархда      1 2 3 4 6 7 8					E-mail: <a href="mailto:ishonch-doverie@mail.ru">ishonch-doverie@mail.ru</a>